

Данғара тумани Маданият марказида "Уч авлод учрашуви" тадбири ўтказилди.

Данғара тумани Маданият марказида "Уч авлод учрашуви" тадбири ўтказилди.

Тадбирга уч авлод вакиллари - меҳнат фахрийлари, фидойи ишчилар ва ёшлар таклиф этилди.

Тадбир давомида ёши улуғ отахон ва онахонларимиз ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида тўплаган бой тажрибалари ҳақида гапириб, Янги Ўзбекистонимизда ишлаш, тадбиркорлик қилиш, ўқиш истагидаги ҳар бир инсонга яратилаётган имкониятларга ҳавас қилишлари, ушбу имкониятлар қадрига етиш ва улардан унумли фойдаланиш зарурлиги ҳақида такидлаб ўтишди. Ўзаро суҳбат ва мулоқотларда мамлакатимизда инсон омилига юксак эътибор берилаётгани, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига ғамхўрлик, меҳр-оқибат кўрсатилаётгани, инсон қадр-қиммати, унинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга имконият яратиб бериш устувор вазифага айлангани таъкидланди.

Тадбирга туман маданият бўлими хонандалари томонидан куйланган жўшқин куй-қўшиқлар иштирокчиларга янада файз ва кўтаринкилик бағишлади.











2023-05-08 17:38:34